# Тошкент оқшоми

2017 йил 22 февраль, чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 37 (13.370)

Баҳоси эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ ТУЗИЛМАСИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири суд тизимини изчил демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш зарур. Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси аниқ ҳуқуқий мақомга эга эмас, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади ва чекланган ваколатларга эга.

Бундан ташқари, суд ҳокимиятининг икки олий органи –Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг мавжудлиги суд тизимини бошқариш вазифаларининг такрорланишига, ягона суд амалиёти таъминланмаслигига олиб келмоқда.

Ҳарбий суд судьяларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига киритилганлиги, адлия органлари томонидан умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тартиби суд ҳокимиятининг мустақиллиги тамойилига мувофиқ келмаяпти.

Судлар тизимининг амалдаги тузилмаси ва штат бирлиги хизмат вазифаларини оқилона тақсимлаш имконини бермаяпти, бу эса уларни замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ва мақбуллаштиришни талаб этади.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий нормани, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарурати маъмурий судлар тизимини ташкил этишни тақозо этмоқда.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тугатилиб, унинг 21 нафар бўшаётган ижро аппарати штат бирлиги Кенгашга ўтказилсин.

3. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш;

судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

судьяларни касбий тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек судьяларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш, шунингдек уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишга хулоса бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий судининг раислари, раис ўринбосарлари, судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади;

*(Давоми 2-бетда)*

***2017 йил мамлакатимизга Тошкент – Бухоро, Тошкент – Қарши йўналишларига қўйилиши режалаштирилган иккита юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоезд олиб келинади. Қарши – Термиз, Урганч – Хива йўналишлари ҳам электрлаштирилади.***

## ЯНГИ ЭЛЕКТРОПОЕЗДЛАР ОЛИБ КЕЛИНАДИ

Бу ҳақда Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг 2016 йил ижтимоий-иқтисодий фаолияти якунлари ва 2017 йилги режаларига бағишланган матбуот анжуманида айтиб ўтилди.

"Ўзбекистон темир йўллари" томонидан 2016 йилда 68 миллион тонна юк ташилди. 21,1 миллион йўловчи ўз манзилига етказиб қўйилди. 369 миллион доллар микдорида экспорт хизматлари кўрсатилди. Акциядорлик жамияти саноат корхоналарида 422,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Тизимда 2 минг 300 га яқин иш ўрни яратилиб, ишчилар сони 70 мингдан ошди.

– Ўтган йилда инвестиция дастурига кўра 820 миллион доллардан кўпроқ маблағ ўзлаштирилди, – дейди ЎзА мухбирига "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг бош менежер-бош муҳандиси Ҳусниддин Ҳосилов. – Натижада қатор лойиҳалар амалга оширилиб, йўловчилар учун қулайликлар яратилди. Хусусан, 2016 йилда узунлиги 123,2 километрни ташкил этувчи Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва унинг доирасида бунёд этилган узунлиги 19,2 километрдан иборат Қамчиқ туннели фойдаланишга топширилди. Ўтган йил 11 июлдан бошлаб, мазкур янги темир йўл орқали Фарғона водийсига ҳамда у ердан юртимизнинг бошқа ҳудудларига юк поездлари қатнови йўлга қўйилди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида Тошкентдан Андижонга биринчи йўловчи поезди қатнови бошланди. Ҳозир Тошкент – Андижон – Тошкент йўналишида ҳар куни замонавий тезюрар йўловчи поезди аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Андижон – Бухоро – Андижон йўналишида ҳафтасига иккита йўловчи поезди, ҳафтада бир маротаба Андижон – Урганч – Андижон, Андижон – Москва – Андижон йўналишларида йўловчи поездлари қатнови ташкил этилди. Бундан ташқари бир суткада ўнлаб юк поезди Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли орқали ўтиб, юкларни ўз манзилига етказмоқда.

Самарқанддан Бухорогача бўлган масофада 140 километрдан ортиқ янги темир йўл қурилди. Мавжудлари замонавий таъмирланиб, Бухорогача тўлиқ электрлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада Тошкент – Бухоро – Тошкент йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоездининг қатнови аҳоли узоғини яқин қилмоқда.

Матбуот анжуманида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятида амалга ошириладиган истиқболдаги лойиҳалар хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Сайёра ШОЕВА**

**ПОЙТАХТНИНГ** БИР КУНИ

***Тошкентда "Ёшлар келажагига ҳар биримиз масъулмиз!" шиори остида пойтахтимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари ҳамда "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиларининг форуми бўлиб ўтди.***



## ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси А.Жумабоев, Тошкент шаҳар ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари В.Акайдимов ва бошқалар мамлакатимизда миллий маънавиятимизни юксалтириш, навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш ҳаракат аъзолари ва педагоглар зиммасига муҳим масъулиятли вазифаларни юклайди. Ўғил-қизларни ёт мафкуралардан асраш, турли оқим ва экстремистик гуруҳлар қўлига тушиб қолишидан сақлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади.

Форумни ўтказишдан мақсад таълим муассасалари ҳамда етакчилар ўртасида ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашиш, илғор ютуқларни оммалаштириш, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини бугунги ижтимоий-сиёсий ва демократик жараёнлар, фуқаролик жамияти талабларидан келиб чиққан ҳолда янги сифат босқичига кўтаришга улуш қўшишдан иборат бўлди.

Тадбирда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, таълим муассасаси раҳбарлари масъулиятини янада ошириш ва ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш, тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлашнинг психологик асослари ҳақида маърузалар тингланди.

**М.ҚОСИМОВА**

**2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**

## ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ 2017-2021

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Партия марказий кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов ва бошқалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, давлат ва жамиятнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши аниқ белгилаб берилди.

Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастуридан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлашда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг иштироки юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларига ислоҳотларнинг ижтимоий йўналишларини таъминлашга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга ошириш юзасидан тизимли парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича қатор вазифалар топширилди. Миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш, қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқишга қаратилган 20 дан ортиқ масала юзасидан белгиланган вазифаларнинг бажарилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг фаоллигини оширишга қаратилган вазифалар белгиланди.

**Г.САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Нукусда "Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Танловда "Энг маҳоратли профилактика инспектори", "Ёш авлод ҳимоячиси", "Энг обод ва осуда маҳалла раиси", "Фидойи маҳалла посбони", "Маърифатпарвар маслаҳатчи" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.**

**• Сирдарё вилоятининг Ховос туманида "Тадбиркор – бунёдкор" деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳри ҳамда Сирдарё вилоятидан кичик бизнес ва ишлаб чиқариш корхоналари учун янги технологиялар етказиб берувчи 30 дан ортиқ корхона ва савдо уйи 150 дан зиёд турдаги ускуна ва жиҳозлар билан қатнашди.**

**• Навоийда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг 2016 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ҳаракатнинг вилоят кенгаши фаолиятига оид ҳисоботлар тингланди ва келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.**

**• Қибрай туманида "Йилнинг энг фаол аёли" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган танловда партия ташкилотларида жамоатчилик асосида фаолият юритаётган, ташаббускор, танловнинг туман ва шаҳар босқичларида энг юқори натижа кўрсатган аёллар иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг солиқ ва молия соҳаси вакиллари иштирокида Бельгиянинг Брюссель шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда ЕИнинг солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш ҳақида келишиб олинди.**

**• Германиянинг собиқ ташқи ишлар вазири, социал-демократ Франк Вальтер Штайнмайер Германиянинг 12-президенти этиб сайланди. Штайнмайер 1239 нафар Федерал йиғин қатнашчиларининг 931 овози билан сайловда ғалабани қўлга киритди. Бу президентликка сайланиш учун зарур бўлган энг кам овоздан 50 фоизга кўпдир.**

**• Миср кассация суди 2012 йилда Порт-Саид шаҳрида футбол бўйича ўтказилган миллий чемпионат ўйинларидан бирида катта тартибсизликларни келтириб чиқарганликда ҳамда 70 дан ортиқ кишиларнинг ҳалок бўлиши, 300 га яқин мухлисларнинг жароҳатланишида айбдор деб топилган 10 нафар ишқибозга ўлим жазоси берилиши, яна 10 нафарини эса умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилиши ҳақидаги ҳукмни тасдиқлади.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ ТУЗИЛМАСИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарлари Кенгашнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туман (шаҳар), туманлараро судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Кенгаш томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини бошқарув ходимлари чекланган сони 21 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот маркази сифатида ўзгартириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

6. Кенгаш таркибини шакллантиришнинг қуйидаги тартиби белгилансин, унга кўра:

Кенгаш раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тайинланади;

ўн бир нафар аъзо Кенгаш раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Кенгаш аъзоси лавозимидаги даврида судьялик мақоми сақланган ҳолда судьялар орасидан тасдиқланади;

тўққиз нафар аъзо Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан тасдиқланади.

7. Доимий асосда ишловчи Кенгаш аъзоларига судьялар учун белгиланган кафолатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва имтиёзлар татбиқ этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ва Мудофаа вазирлигининг 2017 йил 1 июндан:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судини бирлаштириш, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил этиш;

оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 159 та штат бирлигини қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қўриқлаш взводини тугатиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар штат бирликларини судьялар ва ҳарбий судлар ходимларидаги ҳарбий хизматчилар ҳуқуқий мақоми, шу жумладан ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ҳуқуқ, имтиёз ва афзалликлар сақланмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимига ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъатини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгартириш;

ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларини ташкил этиш;

амалдаги суд мажлиси котиби лавозимини тугатиб, белгиланган умумий штат бирлиги доирасида судларнинг тузилмаларига судья катта ёрдамчиси, ёрдамчиси лавозимларини киритиш, уларга тегишли равишда Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг 10–12 ва 8 разрядларини белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, хўжалик судларининг амалдаги судьялари ваколат муддати тугагунига қадар Олий суд ва тегишли Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларининг судьялари сифатида ўз фаолиятини амалга оширишни давом эттирадилар.

9. Янгидан ташкил этилаётган судларни тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг қўшимча 560 та штат бирлиги, шу жумладан 318 та судьялик штат бирлиги ажратилсин.

Бошқарув ходимлари сонининг чекланган штати қуйидаги миқдорларда белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди учун 168 та бирлик, шундан судьялар – 67 та бирлик;

фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари учун 313 та бирлик, шундан судьялар – 108 та бирлик, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари учун 654 та бирлик, шундан судьялар – 252 та бирлик;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари учун 128 та бирлик, шундан судьялар – 58 та бирлик, туман (шаҳар) маъмурий судлари учун 408 та бирлик, шундан судьялар – 204 та бирлик;

жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари учун 326 та бирлик, шундан судьялар – 115 та бирлик, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари учун 898 та бирлик, шундан судьялар – 321 та бирлик;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, ҳудудий ҳарбий судлар учун 28 та бирлик, шундан судьялар – 10 та бирлик;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари учун 117 та бирлик, шундан судьялар – 59 та бирлик, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари учун 433 та бирлик, шундан судьялар – 181 та бирлик.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда – Олий суд ҳузуридаги Департамент):

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўлинмаларининг 51 та бошқарув ходими штат бирлигини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари судьялари ҳарбий хизматчи мақомини йўқотганлиги муносабати билан давлат бюджети маблағлари тежалиши ҳисобига 17 та бошқарув ходими штат бирлигини киритиш йўли билан ташкил этилсин.

Олий суд ҳузуридаги Департаментнинг чекланган сони 68 та бирлик, шу жумладан марказий аппаратда – 12 та бирлик, ҳудудий бўлимларда – 56 та бирлик миқдорида белгилансин.

11. Олий суд ҳузуридаги Департаментнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича ишни ташкил этиш, шунингдек уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

суд биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг самарали сарфланишини таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

судьялар ва суд аппарати ходимларининг меҳнат шароитларини, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

12. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тузилмаси, штат жадвали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзолари ва ижро аппарати ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 1–3-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти марказий аппаратининг тузилмаси, унинг ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмаси 5–6-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари тизимининг ташкилий-штат тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг тузилмаси 7–8-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, шунингдек туман (шаҳар) маъмурий судларининг намунавий тузилмалари 9–10-иловаларга мувофиқ;

фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг намунавий тузилмалари 11–12-иловаларга мувофиқ;

жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг намунавий тузилмалари 13–14-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг намунавий тузилмалари, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг юрисдикция ҳудудлари 15–17-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида тегишли судларнинг тузилмаларига Кенгаш билан келишилган ҳолда ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги уч ой муддатда:

ҳарбий судлар тузилмалари қайта кўриб чиқилиши муносабати билан қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судларининг барча шахсий таркибини ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиш масаласи бўйича қарор қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар томонидан фойдаланилаётган бинолар, хизмат турар жойлари, транспорт воситалари, мебеллар, компьютер техникалари ва бошқа мулкларни Ўзбекистон Республикаси Олий судига белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот маркази ҳақидаги низом, унинг тузилмаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорлари лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва киритилишини;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида суд ва бошқа юридик кадрларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг ягона тизимини яратиш бўйича таклиф киритилишини;

Кенгаш билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий судини, янгидан ташкил этилаётган судларни юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, мазкур Фармонга мувофиқ лавозими қисқартирилаётган судьялар ва суд ходимлари ҳисобидан тўлдирилишини;

янгидан ташкил этилаётган судлар, шунингдек Олий суд ҳузуридаги Департамент ва унинг ҳудудий бўлимлари жойлаштирилишини, мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситалари билан жиҳозланишини;

Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан маъмурий судлар ташкил этилиши муносабати билан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар, янгидан ташкил этилаётган иқтисодий судлар ваколатларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек судларнинг апелляция ва кассация инстанциялари қуйи турувчи суднинг қарорини ўзгартирган ёки бекор қилган тақдирда ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан туриб, якуний қарор чиқариш бўйича ваколатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини ва киритилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда бир ой муддатда янгидан ташкил этилаётган судларнинг жойлаштирилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Адлия вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги билан биргаликда тегишли судларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларининг тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилишини, шунингдек ҳарбий судларни таъминлаш учун ажратиладиган пул маблағларининг қисқаришини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг харажатлар сметасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин;

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг кузатув кенгаши билан биргаликда янгидан ташкил этилаётган судлар, шунингдек Олий суд ҳузуридаги Департамент ва унинг ҳудудий бўлимлари жойлаштирилиши, мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситалари билан жиҳозланиши ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларини таъминлаш учун зарур бўлган молиявий маблағларнинг Жамғарма ҳисобидан ажратилишини таъминласин;

ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар 2017 йилда ажратилсин, 2018 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида молиялаштириш учун зарур бўлган бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий судини ушбу Фармон вазифалари ва талабларига мос келадиган маъмурий бинога жойлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий суд билан биргаликда уч ой муддатда судлар фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳолатини танқидий ўргансин ҳамда суд тизими фаолияти самарадорлигини ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган ахборот тизимлари ва ресурсларини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш ҳақидаги тегишли ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

19. Мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва ўз вақтида бажарилишини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан ташкил этилган Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Комиссия зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 21 февраль*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ ТУЗИЛМАСИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий тамойилга қатъий риоя этилиши мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар орасида марказий ўринни эгаллайди.

Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши қайд этилган вазифаларни амалга оширишдаги муҳим қадам бўлиб, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Фармонга мувофиқ, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, судьяларнинг мазкур жараёндаги иштирокини кенгайтириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш учун масъул бўлган органнинг мақоми ҳамда ваколатларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамияти органи сифатида суд ҳокимиятининг мустақиллиги ҳақидаги конституциявий принципга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади. Судьялар олий кенгаши унинг таркибида Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Сенат томонидан тасдиқланадиган Кенгаш раиси ва кўпчиликни ташкил этувчи судьялар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги малакали мутахассислар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган 20 нафар аъзодан иборат бўлади. Судьялар олий кенгашининг 13 нафар аъзоси доимий, 8 нафар аъзоси эса жамоатчилик асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

Судьялар олий кенгашига судьялик лавозимларига малакали мутахассислар орасидан очиқ ва шаффоф танлов асосида судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлиги бузилишини ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, номзодлар ва судьяларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этиш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш вазифалари юклатилган.

Судьялар олий кенгашига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисларидан ташқари барча судьяларни Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга тайинлаш ва лавозимлардан озод этиш бўйича ваколатлар ўтказилмоқда.

Суд амалиётини тизимли таҳлил қилиб бориш, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот маркази сифатида ўзгартирилмоқда.

Фармондаги яна бир аҳамиятли жиҳат – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилиши бўлди. Ушбу ислоҳот суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функцияларни бартараф этишга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга олиб келади.

Суд ҳокимияти икки олий органининг параллел фаолият юритиши қонун ҳужжатлари талабларини бир хилда қўлланишини таъминлай олмади, бир-бирига ўхшаш масалалар юзасидан турлича қарорлар қабул қилинишига олиб келди.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган янги суд тизимининг шакллантирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Ҳозирги кунга қадар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судлар ва хўжалик судлари томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилаётган эди.

Эндиликда ушбу тоифадаги ишлар янги ташкил этилаётган маъмурий судлар томонидан кўрилади. Шу билан бирга, маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини белгилаш, давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этишга қаратилган "Маъмурий суд иши юритуви тўғрисида"ги ва "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Фармон билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари тегишли иқтисодий судлар этиб ўзгартирилди. Бунда, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва тадбиркорлик субъектларининг ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилмоқда.

Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларини ташкил этиш зарурати хўжалик судларининг фақат вилоят даражасида фаолият кўрсатганлиги билан боғлиқдир. Айрим туманлар суд биносидан узоқ масофада жойлашганлиги сабабли тадбиркорлар даъво аризасини берган пайтдан низо судда кўриб чиқилгунига қадар вилоят марказига бир неча маротаба қатнашга мажбур бўлаётган эди. Бу эса уларнинг моддий харажат ва ортиқча вақт сарфлашларига сабаб бўлаётган эди.

Умуман олганда, ташкил этиладиган маъмурий ва иқтисодий судлар жойлашуви узоқ ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг, шу жумладан тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини оширади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя қилиш, судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди ва унга судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шароитларни яратиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини моддий ва ижтимоий таъминлашни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Ҳарбий судларнинг штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимига ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ваҳоланки, ҳарбий судьяларнинг Мудофаа вазирлиги штатига киритилганлиги ушбу вазирлик ижро ҳокимияти органи ҳисобланиши туфайли суд ҳокимияти мустақиллигининг, унинг фаолиятини ташкил этишнинг асосий тамойилларига мувофиқ келмайди.

Фармонда судлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва суд кадрлари захирасини тайёрлаш учун судлар тузилмасига судья ёрдамчиси, судья катта ёрдамчиси лавозимларини киритиш назарда тутилди.

Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, суд тизими самарадорлиги ва фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ҳукумат томонидан ушбу йўналишдаги амалий чора-тадбирлар Дастури тасдиқланиши зарурлиги белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Фармонда назарда тутилган талабларни амалга ошириш бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Хўжалик процессуал, Фуқаролик процессуал кодексларига, "Судлар тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этади.

Умуман олганда, Фармонда одил судлов соҳасидаги замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш бўйича тарихий ўзгаришлар назарда тутилган.



# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

***Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, янги таълим стандартлари, ўқув дастурлари, режа ва дарсликлар тегишли чет тиллари бўйича халқаро эксперт ва мутахассислар жалб этилган ҳолда ишлаб чиқилмоқда.***

Бу борада Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, турли маърузалар, семинар ва амалий машғулотлар ташкил этилмоқда.

Масалан, юртимиздаги қатор олий ўқув юртлари немис тили ўқитувчилари учун Австриянинг Вена давлат университети профессори Карен Шрамм ва доцент Аннемария Притхард-Смит иштирокида "Замонавий дарсликларни яратиш тамойиллари" мавзусида семинар ўтказилди.

Биринчи курс талабалари учун немис тили дарслигини яратишга бағишланган учрашувда дарсликларни ишлаб чиқишда бадиий адабиётлар ва фильмлардан самарали фойдаланиш, умумевропа чет тилларини ўзлаштириш талабларига мос тил кўникмасини шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.

– Ўзбекистон ва Австрия ўртасида илм-фан ва таълим-тарбия соҳаларида ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланмоқда, – дейди профессор Карен Шрамм. – Томонлар янги авлод дарслигини ишлаб чиқишга оид қўшма лойиҳада фаол иштирок этмоқда. Бу ўқитувчилар малакасини оширишга хизмат қилади.

Халқаро ҳамкорлик самарасида биринчи курс талабалари учун немис тили бўйича ўқув-услубий қўлланма яратилади.

**Виктория ЛЯМКИНА,**
**ЎзА**

**Қарор ва ижро**

# АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА – МУҲИМ ЭЪТИБОР

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида журналистлар учун бўлиб ўтган матбуот анжумани Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 15 февралдаги "Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкалари орқали ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари моҳияти ва ижросига бағишланди.***

Таъкидлаш жоизки, кейинги икки ой ичида Президентимиз томонидан аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир нечта Фармон ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, айниқса, 2 февралдаги қарорда пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилиш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратишга доир қатъий чоралар белгиланганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур қарор мамлакатимиз ҳудудларида иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар тўлашдаги мавжуд аҳволни танқидий таҳлил қилиш натижасида қабул қилинди.

Ушбу салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида қарорда 2017 йил февраль ойидан бошлаб, биринчидан барча турдаги пенсияларни тўлаш ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд пул шаклида, иккинчидан, олий ўқув юртлари талабаларига стипендия тўлаш 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда нақд шаклда амалга оширилиши белгиланди. Шу билан бирга, пенсионерларнинг пенсияларини узлуксиз, тегишли ойнинг 27 санасигача кечиктирмай тўланишини таъминлашга доир қатъий кўрсатма берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Нозим Ҳусанов таъкидлаб ўтганидек, биргина Тошкент шаҳрида 274,8 минг нафар пенсионерлар рўйхатга олинган бўлиб, уларга 167,7 миллиард сўм нақд пул талаб этилади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу йўналишдаги айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул тушумларини банк кассаларига топширмасдан, тўлов терминалларидан фойдаланмаслик бўйича кўплаб ҳолатлар аниқланмоқда.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси бошлиғи Музаффар Пардаевнинг сўзларига қараганда, 2017 йил 1 мартдан бошлаб чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар аҳолидан тўловларни банк пластик карточкалари орқали қабул қиладиган ҳисоб-китоб терминалларини ўрнатмасдан фаолиятни амалга оширишга ҳақли эмас.

Эътиборли томони шундаки, савдо субъектлари нақд ёки пластик карточка орқали ҳисоб-китоб шаклига қараб нархларни сунъий равишда оширса ёки камайтирса, энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари, назорат – касса машиналарини ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмаслик, шунингдек, квитанциялар, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлиги ҳолатида эса энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

– Бугунги кунда пойтахтимизда пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, шунингдек, бозорлар ҳудудидаги турғун савдо шохобчаларини тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва улардан мунтазам фойдаланиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда, – дейди Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи Мажид Тоҳиров. – Зеро пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш тижорат банкларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Мазкур соҳада амалга оширилган ишлар ва кўрилган чоралар натижасида бугунги кунга келиб, Тошкент шаҳрида нақд пул тушумига эга бўлган 23,5 мингга яқин савдо субъекти мавжуд бўлса, уларга 38 минг тўлов терминаллари, шаҳримизнинг аҳоли гавжум жойларида эса бугунга қадар 2,5 мингтадан ортиқ инфокиоскалар ўрнатилган. Айтиш жоизки, Тошкент шаҳридаги тижорат банклари томонидан жорий йилнинг 1 февраль ҳолатига 4,5 миллионга яқин пластик карточкалар муомалага чиқарилган. Қолаверса, пойтахтда пластик карточкалар орқали ойлик иш ҳақи берилишига деярли 33 мингта хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотлар жалб этилган.

Тижорат банклари томонидан ўтган 2016 йил давомида қўшимча равишда тадбиркорлар учун 5 мингга яқин тўлов терминаллари ва 831 мингтадан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Президентимизнинг жорий йил 15 февралдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тижорат банклари ва солиқ инспекциялари билан биргаликда айни пайтда нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини терминал билан жиҳозлаш бўйича хатлов ўтказилмоқда. Ушбу хатлов натижасида тўлов терминалларини қисқа муддатларда ўрнатиш чоралари кўрилмоқда. Мазкур қарор орқали тижорат банкларига тўлов терминалларини ишлаб чиқарувчилар билан тендерсиз тўғридан-тўғри шартнома тузиш ваколати берилган бўлиб, бу тўлов терминалларининг қисқа муддатда Ўзбекистон ҳудудига олиб келинишига замин яратади. Шу билан бирга Марказий банк ҳамда тижорат банклари томонидан тўлов терминалларини ижарага бериш тартиби ҳам жорий қилинмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қарор ижроси йўлида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни ташкил этиш, тадбиркорларда ўрнатилган тўлов терминалларидан узлуксиз фойдаланишни таъминлаш, халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда пластик карталар билан боғлиқ қўшимча янги хизмат турлари ҳам жорий қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда ушбу қарор аҳоли манфаатларини қондириш ва тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратишда, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда, илғор банк технологияларини жорий этишга имкон яратади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**З. ШАРИФЖОНОВ**

# "МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАРИ"

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида нашр этилган "Мустақилликнинг залворли одимлари" тўплами тақдимоти ўтказилди, дея хабар беради ЎзА.***

Унда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессор-ўқитувчилари, тарихчи олимлар, таниқли журналистлар, журналистика, филология йўналишларида таҳсил олаётган талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Д.Улуғмуродов ва бошқалар мамлакатимизда бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, таълим муассасаларини адабиётлар билан таъминлаш, ёш авлоднинг китобга бўлган қизиқишини рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 12 январида қабул қилинган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларни комплекс ҳал қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Фармойишда мамлакатимизда чоп этилаётган китобларни аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш, таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш зарурлиги алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Ғулом Мирзонинг "Мустақилликнинг залворли одимлари" тўплами икки китобдан иборат бўлиб, биринчиси Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллигига, иккинчиси Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг сўнмас хотирасига бағишланган.

**Моҳигул ҚОСИМОВА**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 13 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига ЖИБ Тошкент ш. Олмазор т. судининг 22.05.2013 йил №1-195/2013-сонли ижро варақасига асосан Олмазор т. СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

2010 й/и/ч, д/р белгиси 01M836MA, кулранг рангли, "Working price" МЧЖда сақланаётган "ЛАДА 210740" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 20 696 112 сўм.

ЖИБ Тошкент ш. Олмазор т. судининг 24.05.2016 йил №1-395/16-сонли ижро варақасига асосан Олмазор т. СИБ томонидан хатланган 2009 й/и/ч, д/р белгиси 01T434DA, қора рангли, "Хуш Нур Бизнес"ХКда сақланаётган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 33 300 000 сўм.

2.2002 й/и/ч, д/р белгиси 01835XCA, оқ рангли, "DAF 95 XF" русумли автотранспорт воситаси ҳамда унга бириктирилган 1987 й/и/ч "SEM" русумли, д/р белгиси 01 5725 AA бўлган тиркама биргаликда. Бошланғич баҳоси 207 900 000 сўм.

ЖИБ Тошкент в. Бўстонлиқ т. судининг 24.12.2010 йил №1-316/10-сонли ижро варақасига асосан Олмазор т. СИБ томонидан хатланган 2009 й/и/ч, д/р белгиси 01Q213CA, оқ рангли, "Чорсу" жарима майдончасида сақланаётган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 12 028 500 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдодан бир иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади.Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси- "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz

Маълумот учун телефон: +99898 308-19-57

*Гувоҳнома 5477*

**"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2017 йил 16 март куни соат 11.00да такроран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар Яшнобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 19.10.2000 йилдаги 10-1012/22080-сонли ижро варақасига асосан 16 дюмли, 4-1 корпусли жами 3 дона омочлар (оборотный плуг, агро техника UNLU "DAIICHI") қўйилган. Ҳар бир омочнинг б/б-23 795 053 сўм 33 тийин бўлиб, Тошкент шаҳри, Жаркўрғон кўчаси, 43-уйда сақланмоқда. Аризаларни қабул қилиш 2017 йил 14 март соат 18:00 да тўхтатилади.

Ушбу омоч билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги келишув"га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 2004 2284 9001 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

*Гувоҳнома №05791*

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Суд департаменти томонидан, ЖИБ** Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда.

I. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчасида жойлашган умумий майдони 669,0 кв.м. бўлган 7-қаватли ертўлали 7-сонли турар-жой биносининг биринчи қават ва ертўласининг бир қисмидан иборат "Ижтимоий, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш биноси" қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 3 452 449 559 сўм.**

**Аукцион савдоси 2017 йил 31 март куни соат 12:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 29 март куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-26. www.1kms.uz.

*Лицензия: RR-0001.*

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 28 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Юнусобод туман судининг 24.03.2014 йилдаги №1-12/14 – сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган кўчмас мулк объектида сақланаётган қуйидаги технологик ишлаб чиқариш ускуналари: 1. 172 турдаги қанд маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик ускуналари. Бошланғич баҳоси – 883 337 193 сўм. 2. 6 турдаги қанд маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик ускуналари. Бошланғич баҳоси: 3 259 221 393 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 28 март кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 24 март куни соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.ogb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44. (97) 764-81-86

*Гувоҳнома 004593.*

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига**

***ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ***

Яшнобод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1.Комиссия номига ариза;

2.Паспорт нусхаси;

3.Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

4.Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;

5.Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

6.Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);

7.Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2017 йил 13 март).

Телефонлар: (0371) 236-78-52, 233-44-48.

**Электр энергияси истеъмолчилари диққатига!**
**"Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" AJ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" 111-бандига асосан электр энергияси учун ҳақ тўлаш маиший истеъмолчи томонидан аҳолидан тўловларни қабул қилувчи пунктлар ва ташкилотлар орқали ҳар ойнинг 10-кунигача амалга оширилиши ҳамда электр энергияси учун олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга бўлган ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган маиший истеъмолчилар электр энергияси учун ҳақ тўлашни олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилишини маълум қилади.

Электр энергия ҳақи ўз вақтида тўланмаган ҳолларда электр энергияси тармоқдан ажратилади.

Ҳозирги кунда электр энергиясини тежаш ва истеъмолини камайтириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Булардан электр энергиясини ишлаб чиқаришдаги электр ускуналарни замонавий янги турдагиларига алмаштириш, электр тармоқларини реконструкция қилиш, электр энергияси истеъмолчиларидаги электр қурилмаларини энергия тежамкорларига алмаштириш. Шу жумладан истеъмолчилардаги чўғланма лампаларни энергия тежамкор лампаларга алмаштириш. Мисол, жумладан битта хонадонда ўртача 10 дона чўғланма лампани (100 Ватт) энергия тежамкор лампага (7 Ватт) алмаштирилса бир йил давомида 1 697 кВт.с. ( 324 127 сўм) тежалади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2015 йилдаги 299-сонли қарорига асосан 01.01.2017 йилдан Республикамиз ҳудудида 40 Ваттдан юқори бўлган чўғланма лампаларни сотиш тақиқланган ва ушбу қарорни назорат қилиш Солиқ қўмитаси, божхона қўмитаси ва ҳокимликларга юкланган.





## Спорт янгиликлари

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ҚУРЪА ТАШЛАНАДИ

***Футзал тарихида илк маротаба ўтказиладиган 20 ёшгача бўлган спортчилар ўртасидаги Осиё чемпионатига қуръа ташлаш маросими 30 март куни бўлиб ўтади.***

Маросим Таиланд пойтахти Бангкок шаҳридаги "Grand Fourwing Hotel" меҳмонхонасида ўтказилади. Жамоалар 2016 йили Тошкентда бўлиб ўтган футзал бўйича Осиё чемпионатида қайд этган натижаларига кўра 5 та саватчага ажратилади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 1-саватчадан жой олди. Шунингдек, мазкур саватчада Эрон, Таиланд ва Вьетнам ёшлар термаси ҳам жойлашган.

Жами 21 терма жамоа тўртта гуруҳга бўлинади. Битта гуруҳда 6 та, учта гуруҳда 5 тадан жамоа плей-офф босқичи учун курашади. Ҳар бир гуруҳда 1-2-ўринларни эгаллаган жамоалар чорак финалга йўл олади.

Эслатиб ўтамиз, 20 ёшгача бўлган футзалчилар ўртасидаги Осиё чемпионати 2017 йилнинг 9-21 май кунлари Таиландда ўтказилади.

***Гандбол бўйича Тошкент шаҳри мезбонлик қилган Марказий Осиё чемпионатида бешта жамоа ўзаро куч синашди.***

## ГАНДБОЛ БЎЙИЧА БЕЛЛАШУВЛАР

Мусобақанинг сўнгги кунида Қашқадарёнинг "Нишон-Насаф" жамоаси Қозоғистоннинг "Намис" жамоасини 29:27 ҳисобида мағлубиятга учратди. Урганч давлат университети ва Республика олимпия заҳиралари коллежи жамоалари ўртасидаги баҳсда кучлар тенг келди – 39:39.

Мусобақа якунига кўра, Урганч давлат университети гандболчилари биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Республика олимпия заҳиралари коллежи ва Қозоғистонинг "Намис" жамоасига насиб этди.

Чемпионатнинг иккинчи тур ўйинлари Қозоғистонда ташкил этилади.

## СЕУЛ ШАҲРИДАГИ ТУРНИРДА ҚАТНАШМОҚДА

***Фигурали учиш бўйича мамлатимизнинг энг кучли спортчиси Миша Ге Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида бошланган фигурали учиш бўйича нуфузли мусобақа – "Тўрт қитъа чемпионатида" иштирок этмоқда.***

Ушбу нуфузли мусобақада Осиё, Америка, Африка ва Австралиянинг энг кучли фигурали учиш усталари ғолиблик учун курашади.

Сеулдаги бу мусобақа Миша Ге учун Япониянинг Саппоро шаҳрида бўладиган саккизинчи қишки Осиё ўйинларига тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

***Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи баҳслари бошланиш арафасида.***

## ТЎРТИНЧИ ҲАКАМ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРАДИ

Ушбу муҳим учрашувларни бошқариш учун мамлакатимизнинг бир нечта рефериларი ҳам жалб этилаётганлиги юртимизда футбол ҳакамларининг малакаси янада ошиб бораётганлигидан далолат.

28 февраль куни Саудия Арабистонида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионлар лигаси турнирининг "Д" гуруҳидан ўрин эгаллаган Саудия Арабистонининг "Ал-Ҳилол" ҳамда Қатарнинг "Ал-Райян" жамоалари ўртасидаги 2-тур баҳсида ҳамюртимиз ФИФА рефериси Шерзод Қосимов тўртинчи ҳакам вазифасини бажаради.

## ОФК СЕМИНАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

***Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан уюштирилган семинар якунига етди.***

ОФК ҳакамлар департаменти ва спорт тиббиёти масалалари департаменти томонидан уюштирилган мазкур семинарда қитъамиз мамлакатлари турли миллий футбол ассоциацияларининг 10 нафар олий тоифали вакиллари иштирок этишди. Эътиборли томони фитнес-инструкторлар иштиркидаги мазкур семинарда ҳамюртимиз фитнес-инструктори Радик Хуббиев ҳам қатнашди. Семинар иштирокчиларининг фитнес-тайёргарлиги ҳамда ҳакамларни баҳолаш бўйича билимларини сўнгги техник маълумотлар етказиш ва ўтказилган тадқиқотлар натижаси билан таништириш орқали ошириш мақсадида уюштирилган семинарда Италия футбол ҳакамлари ассоциацияси фитнес-тайёргарлик ва тадқиқотлар департаменти бошлиғи доктор Карло Кастанья иштирок этди ҳамда иштирокчиларга ҳакамларнинг жисмоний ҳолатига талаблар, машғулотлар юки назорати ва жароҳатларни профилактика қилиш масалалари бўйича маълумотлар берди.

## ТОМОНЛАР ЎЗАРО КЕЛИШИШДИ

***Жорий йилги мавсумга тайёргарлик кўраётган жамоалар ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этишмоқда.***

Туркиядаги ўқув-машғулот йиғини доирасида пойтахтимизнинг "Пахтакор" жамоаси Украинанинг "Сталь" клуби аъзоларига қарши назорат-ўртоқлик баҳсида омадини синаб кўрди. Футболчиларнинг руҳий, жисмоний ҳамда тактик тайёргарликларини маромига етказиш мақсадида уюштирилган беллашув муросасиз ва қизиқарли кечди. Ўйинда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. 0:0 ҳисобида якунланган баҳсда "Пахтакор" мураббийлари имкон қадар жамоага жалб этилган футболчиларни назоратдан ўтказишгани шубҳасиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ академиясида Учтепа туманидаги маҳалла раислари, фаоллари, посбонлар иштирокида жиноятчиликнинг олдини олиш мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими, туман прокурори, ички ишлар бошқармаси бошлиғи иштирок этиб жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида маълумот бериб ўтишди.***

## ПРОФИЛАКТИК ИШЛАР САМАРАСИ

Бугунги кунда Учтепа туманида 60 та маҳалла бўлиб, ҳар бир ҳудудда профилактика инспекторлари фаолият олиб боради. Ҳукуматимизнинг эътибори туфайли профилактика инспекторлари алоҳида хизмат хонаси ва автомашина билан таъминланган.

Учтепа туманида тегишли мутасаддилар билан биргаликда 38 та интернет клубларида ўрганишлар олиб борилди. Афсуски, аҳвол қониқарли эмас. Айрим ота-оналар ўз фарзандларига беэътибор. Тумандаги айрим бўш юрган йигитлар суҳбатдан ўтказилиб, ички ишлар идораларида ишлаш истагини билдирганларга тавсиялар берилди. Маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш нафақат профилактика инспекторининг, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифасидир. Улар жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика инспекторларига яқиндан ёрдам беришлари керак.

– Туманимиздаги маҳаллаларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳар ҳафтада йиғилиш ўтказиб борилмоқда, – дейди Учтепа тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мактуба Арипова. – Унда туман ҳокими, туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи, туман прокурори ва бошқа мутасадди раҳбарлар содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан аҳоли билан тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Айниқса, фирибгарлик ва ўғирлик жиноятларининг олдини олиш бўйича аҳолини огоҳликка чақириш ҳамда кузатув камераларини ўрнатиш каби масалалар муҳокама этилмоқда.

– Бизнинг маҳалламизда 5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, – дейди "Ватан" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Гулжаҳон Шариева. – Ҳудудимизда олиб бориладиган барча ишлар ҳамжиҳатликда амалга оширилади. Шу жумладан, жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам профилактика инспекторларига яқиндан ёрдам бериб келмоқдамиз. Яқинда ҳудудимизга қарашли мактабда тадбир ўтказдик. Унда юқори синф ўқувчилари ва ота-оналар қатнашиб, фарзандлари ҳақида керакли маълумотларга эга бўлишди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

**Қ.ЗОКИРОВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 31 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 26 июндаги ижро варақасига асосан Тошкент ш. Чилонзор т. СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1979 й/и/ч, д/р/б 11Z0956, кулранг рангли, носоз ҳолатдаги "ГАЗ-2401" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 2048387 сўм 92 тийин.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент ш. Сергели тумани "Ўзкимёполимерсавдо" МЧЖ.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар савдодан 1 (бир) иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz.

Маълумот учун телефон: +99898 308-19-57

*Гувоҳнома 5477*

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Ўзбек, рус ва лотин тиллари кафедраси катта ўқитувчиси Зилола Хаитбаевна Содиқовага турмуш ўртоғи

**Бахтиёр Рихсибаевич СОДИҚОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## "101"

## ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

***Барча маскан ва муассасаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тезкор чора-тадбирлар ўтказилиши, аҳоли ва ишчи-хизматчилар билан ёнғин хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари кучайтирилишига қарамай, ёнғинлар содир бўлмоқда.***

Сабабсиз воқеа-ҳодиса юз бермайди. Ҳар бир кўнгилсиз ҳодиса замирида кимнингдир айби бор. Хонадонларда содир бўлган ёнғинларга ҳам кимнингдир лоқайдлиги ва беparволиги сабаб бўлмоқда. Таҳлил ва кузатишлар натижаларига кўра фуқароларнинг газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланиши, спиртли ичимлик ичиб, тамаки чекиб ухлаб қолиши оқибатида келиб чиққан ёнғинлардан ҳар ким ўз вақтида хулоса чиқариб олмаётганлиги таажжубли ҳолдир.

Яшнобод тумани, Алимкент 1-тор кўчасида жойлашган шахсий уйлардан бирида уй эгасининг спиртли ичимлик ичган ҳолда сигарет чекиши оқибатида ёнғин содир бўлади. Оқибатда уй эгаси ва қўшниси ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Юқоридаги ҳолат ўрганилиб, барча ёнган буюмлардан нусха олиб экспертизага юборилганда, ёнғин сабаби, тамаки маҳсулотларини чўғи ёнувчи материаллар билан таъсирланиши натижасида келиб чиққан деган хулосага келинди.

Шу вақтгача содир бўлган ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларига тўғри келганлиги туфайли ҳам фуқароларга тарғибот ишини кучайтириш, ёнғинларга сабабчи бўладиган омилларнинг олдини олишга жамоатчиликни кенг жалб этиш муҳим.

**Н.ТУРДИЕВ,**
**Яшнобод тумани ДЁН инспектори, сержант**

* * *

***Инсонлар ўзининг жисмоний ҳолатидан келиб чиқиб маълум бир оғирликни кўтара олгани каби электр қурилмалари ҳам белгиланган номинал ток кучига мўлжалланган бўлади.***

Агар белгиланган номинал ток кучи кўп бўлса мўлжалланган электр ўтказгичлар қизийди ҳамда қизиган металл ташлаб юборади. Буларнинг барини олдини олиш учун ўтказгичлар шикастланмаган, нотўғри уланмаган, сақлагичлар зангламаган ва ифлосланмаган ҳамда изоляция қопламаси талаб даражасида бўлиши муҳим. Қўлбола электр ўтказгичлардан фойдаланаётганда баъзи бир қоидаларга амал қилинг. Ҳеч қачон электр ўтказгичларнинг сақлагичлардаги эрувчан қисмини ўзбошимчалик билан кучли ўтказгичларга алмаштирманг. Бу ҳолат электр ўтказгичларнинг тўғри ишлаш қоидасини бузади.

Электр тармоғида ортиқча юкланишга йўл қўйманг, бир вақтнинг ўзида бир нечта электр қурилмаларидан фойдаланманг. Битта улагичга бир вақтда барча электр қурилмаларини уламанг, бу ҳаракат оқибатида ортиқча юкланишдан ёнғин чиқиши мумкин.

Маиший электр қурилмаларини узоқ вақт давомида электр тармоғида ёниқ ҳолда қолдирманг, акс ҳолда қизиб ёниши мумкин. Носоз электр қурилмаларидан фойдаланманг.

Қўшимча электр иситиш қурилмаларидан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. Бу каби қурилмаларни енгил алангаланувчи материаллар ёниб кетмаслиги учун электр иситиш печларидан узоқроқ жойда ушлаш керак. Ҳеч қачон электр қурилмаларини қаровсиз ёниқ қолдириб кетманг.

**Ш.ВАЛИЕВ,**
**28-ҲЁХҚ кичик инспектори, кичик сержант**

* * *

***Ҳар йили оловнинг мудҳиш фалокати туфайли дунё бўйлаб қанча-қанча кишилар бошпанасиз қолади, кимдир соғлиғидан айрилади, ачинарлиси эса бировлар бевақт нобуд бўлади.***

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш уйимиз ва иш жойимизда хавфсизликни таъминлашнинг асосий омилларидан биридир. Пойтахтимизда юз берган ёнғинлар таҳлилига кўра асосан аҳоли турар жойларида шундай офатлар содир бўлмоқда. Сабаби эса оддий: айрим фуқароларимиз ёнғин хавфсизлигининг қанчалик муҳим эканлигини яхши билишсада, ҳар доим ҳам бу қоидага амал қилавермайдилар. Масалан, уйни иситишда носоз мосламалардан фойдаланиш, шунингдек, газ плиталарини ёниқ қолдириш ҳоллари ёмон оқибатларга олиб келади.

Масъул ходимларнинг асосий вазифалари қаторига ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг кўламда ва тарғибот ишларини кучайтириш орқали бахтсиз ҳолатларнинг сонини камайтиришга эришилади.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, ёнғин содир бўлганда "101" рақамига хабар бериб, аниқ манзилни айтишни унутманг.

**А.РУСТАМОВ,**
**12-ҲЁХО 26-ҲЁХҚ сафдор, кичик сержант**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **23 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража совуқ, кундузи — 10-12 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 235

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12148 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.35

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ